

4-мавзу: XVI -XIX асрлар биринчи ярмида Ўрта Осиёдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол.

Режа:

1. Туркистоннинг уч хонликка бўлиниб кетиши: Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларидаги ижтимоий-сиёсий вазият.
2. Ўрта Осиё хонликларига подшо Россиясининг ҳужуми. 3. Подшо Россиясининг Туркистон ўлкасидаги мустамлакачилик сиёсати ва унинг оқибатлари.
3. Подшо Россияси мустамлакачилигига қарши ўлкада озодлик кураши. Жадидчилик ҳаракати.
4. Совет даврида Ўзбекистон

XV асрнинг охири ва XVI аср бошларида Ўрта Осиёдаги ижтимоий-сиёсий вазият

- ▶ XV асрнинг 90-йилларида Мовароуннаҳрдаги темурийлар салтанати ички низолар оқибатида амалда мустақил бошқариладиган вилоятларга айланиб қолган эди;
- ▶ Бу даврда Самарқандда Султон Аҳмад, Бухорода Султон Маҳмуд, Фарғонада Умар Шайх ҳукмдорлик қила бошладилар;
- ▶ Шу орада Хуросонда ҳокимиятга Ҳусайн Бойқаронинг (1469-1506) келиши туфайли Темурийлар давлати яна иккига бўлиниб кетди;
- ▶ 1495 йилда Умаршайх (Фарғона) ва Султон Аҳмад (Самарқанд) деярли бир вақтда вафот этдилар. Бу мамлакатда бошбодоқлик, кўп ҳокимиятчиликни вужудга келтирди;

- ▶ XV асрнинг 80-йилларига келиб Абулхайрхоннинг набираси, Будок Султоннинг ўғли Муҳаммад Шохбахт Шайбонийхон бобосининг Дашти Қипчоқда тузган давлатини қайта тиклаб, Шайбонийлар сулоласига асос солди;
- ▶ Бу вазиятдан темурийларнинг шимолдаги қўшниси, Дашти Қипчоқда ўз ҳокимиятини мустақамлаб олган Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510) фойдаланиб қолиш учун 1497 йилда Мовароуннаҳрни эгаллаш учун бостириб кирди;
- ▶ Бунга 1496 йилда Самарқанд тахтига ўтирган Бойсунқур Мирзо ибн Султон Маҳмуд (1479-1499)нинг бошқа темурий шахзодалардан Самарқандни мудофаа қилишда иттифоқчиликка чақириб қилган таклифи ҳам сабаб бўлган эди;
- ▶ XV асрнинг охири ва XVI аср бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросонда Темурийлар давлати ички низолар оқибатида ичдан зил кетаётган даврда шимолда Шайбонийлар давлати ташкил топиши Темурийларнинг Мовароуннаҳр тарихи сахнидан кетишига замин яратган.

ШАЙБОНИЙЛАР ДАВЛАТИ

- ▶ Муҳаммад Шайбонийхон буюк давлат тузиш фаолиятини дастлаб лашкар тўплаш ва ёлланма қўшин лашкарбошиси сифатида теурийларга хизмат қилишдан бошлаган;
- ▶ 1499 йилда Муҳаммад Шайбоний Самарқанд тахтини эгаллаб, Теурийлар салтанатига чек қўйди;
- ▶ 1500-1508 йилларда Шайбонийхон тинимсиз урушлар олиб бориб, Фарғонани, Хоразмни, Хуросонни ишғол қилди, 1508 йилда Жом остоналарида Теурийларнинг охирги қўшини тор-мор қилинганч, уларнинг Мовароуннаҳрдаги илдизи батамом тугатилди. Каспийдан Хитойганча, Сирдарё этагидан Марказий Афғонистонганча бўлган улкан мамлакат Шайбонийлар мулкига айланиб қолди.
- ▶ 1510 йилда Марв яқинида Эрон шоҳи Исмоил билан тўқнашувда Шайбонийхон енгилди ва ҳалок бўлади;

- ▶ 1515 йилда Шайбонийларнинг Мовароуннаҳрда тўла ҳукмронлиги ўрнатилди;
- ▶ Шайбонийлар сулоласи Мовароуннаҳрда юз йил ҳукмронлик қилди. Лекин кўчманчи ўзбеклар Мовароуннаҳрнинг ўтроқ, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётда анча илгарилаб кетган ҳаётига катта таъсир кўрсата олмади;
- ▶ Муҳаммад Шайбонийдан кейин тахтга унинг амакиси Кўчкинчихон (1510— 1530), унинг ўғли Аҳмад Саид (1530-1533), сўнг жияни Убайдуллахон (1533—1539) ўтириб, меросхўр сифатида Мовароуннаҳрни бошқардилар;
- ▶ Шайбонийларнинг Мовароуннаҳрдаги юз йиллик ҳукмронлиги даврида ўтган 8 та хондан учтаси - Муҳаммад Шайбоний, Убайдуллахон ва Абдуллахон (1557-1598) ларгина шижоатли ҳарбий ҳукмдорлар эдилар;
- ▶ Шайбонийлар сулоласи 1599 йилда барҳам топди.

**Шайбонийлар сулоласи
(1500-1601)**

✓ Муҳаммад Шайбонийхон (1500-1510)

✓ Кўкунчихон (1510-1530)

✓ Абу Саидхон (1531-1533)

✓ Убайдуллахон (1533-1539)

✓ Абдуллахон I (1539-1540)

✓ Абдулазизхон (Бухорода) (1540-1550)

✓ Абдулатифхон (Самарқандда) (1540-1551)

✓ Наврўз Аҳмадхон (Барокхон) (1551-1556)

✓ Пирмуҳаммадхон I (1557-1561)

✓ Искандархон (1561-1583)

✓ Абдуллахон II (1583-1598)

✓ Абдулмўминхон (1598-1599 - 6 ой)

✓ Пирмуҳаммадхон II (1599-1601)


Аштархонийлар (Жонийлар) давлати

- ▶ XVI аср охири XVII асрнинг бошларида Мовароуннахр ҳудудида Шайбонийлар ўрнига янги ўзбек сулоласи - Аштархонийлар ҳокимият тепасига келади;
- ▶ XV асрнинг 30-йилларида Волга бўйидаги ерларда Аштархан хонлиги юзага келди. "Аштархан" Аштархоннинг руслашганидир. «Аштархон» эса асли «Хожи Тархон» сўзидан келиб чиққан;
- ▶ 1556 йилда Аштархон Россия томонидан босиб олинганидан сўнг, Аштархон Ёрмуҳаммадхон фарзандлари билан Шайбонийлар (Мовароуннахр) ҳузурига келган;
- ▶ 1599 йилда аштархоний Боқимухаммад тахтга ўтирди. Шу даврда Аштархонийлар олдида турган энг муҳим вазифалардан бири - марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, мамлакат сиёсий яхлитлигини таъминлаш эди. Марв, Хоразм, Балх ерларида сиёсий парокандалик кучайган эди;

- ▶ У ўз ҳукмронлик йиллари Хоразм, Балх, Шибирғон, Маймана, Бағлон, Бадахшон, Ҳисор ерларига юришлар уюштиради;
- ▶ Валимуҳаммаднинг нўноқ сиёсати туфайли, Хуросонда Эрон сафавийларининг мавқеи ошиб боради. Бу эса йирик ўзбек амирларининг норозлигига сабаб бўлади. Узаро ички кураш, тарафкашлик Валимуҳаммадга қарши фитна уюштиришга олиб келган ва бунинг натижасида Самарқанд ҳокими Имомқулихон (1611-1642) тахтни эгаллаган эди;
- ▶ Имомқулихон Аштархонийлар орасида энг нуфузли ҳукмдорлардан бири бўлган;
- ▶ Имомқулихон Мовароуннаҳр чегараларига хавф солиб турган кўчманчи қалмиқ ва қозоқ хонларига қарши тинимсиз кураш олиб борди. 1613 йили Имомқулихон қозоқларни тор-мор қилди ва Тошкентни эгаллади;
- ▶ Аштархонийлар сулоласи 1599-1753 йилларда ҳукм сурган.

КЎКАЛДОШ МАДРАСАСИ






ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР


- Шайбонийлар давлатининг 1505 йилдаги chegarasi
- - Шайбонийлар давлатининг 1512 йилдан кейинги chegarasi
- - - XVI аср охиридаги Шайбонийлар давлати chegaralari
- 15 йилдан мураккабли Хоразм давлати chegarasi


Эскизга: Шайбонийлар давлатининг ва Хоразмнинг chegaralari марказий ўрмоннинг қудратига қараб ўзгариб турган

-  Шайбонийлар давлатига қарам бўлган қудудлар
-  Хоразмга қарам бўлган қудудлар

МАШТАБ 1:700 000







➔ Аштархонийлар сулоласи (1601-1752)

➔ Боқи Мухаммад (1601-1605)

➔ Вали Мухаммад (1605-1611)
➔ тахтдан ҳайдалади

➔ Имомқулихон (1611-1642)

➔ Нодир Мухаммадхон (1642-1645)
➔ тахтдан ҳайдалади

➔ Абдулазизхон (1645-1681)

➔ Субхонқулихон (1681-1702)

➔ Убайдуллахон (1702-1711)
➔ Тахтдан ўлдирилади

➔ Абулфайзхон (1711-1747)
➔ Тахтдан ўлдирилади

➔ Абдулмўмин (сохта хон)
➔ (1747-1751) тахтдан ўлдирилади


➔ Убайдулла султон (сохта хон)
➔ (1751-1754) тахтдан ўлдирилади

Бухорода манғитлар сулоласи

- ▶ Манғитлар сулоласи 1753 йилдан 1920 йилгача ҳукм сурган;
- ▶ Шу вақтда Бухоро хонлиги Бухоро амирлиги деб юритила бошлаган;
- ▶ Муҳаммад Раҳим ҳукмронлиги даврида (1753-1758) Бухоро амирлигига қарашли ерлар анча қисқарган эди. Унинг таркибига Бухоро, Самарқанд, Миёнкол, Кармана, Қарши, Ғузор, Карки, Чоржўй, Шаҳрисабз вилоятлари кириб, Тошкент ва Фарғона вилоятлари хонлик тасарруфидан чиқиб кетган эди.
- ▶ Дониёлбий оталиқ ҳукмронлиги даврида (1758-1785) ҳам ўзаро урушлар давом этди. Кармана, Ўратепа, Нурота, Шеробод, Бойсун ва бошқа жойларда маҳаллий кучлар бош кўтариб, марказга бўйсунмай қўйдилар.

- ▶ Амир Шоҳмурод ҳукмронлиги даврида (1785—1800) Дониёлбий жорий этган солиқлардан бир қанчаси бекор қилинди, иқтисодий ҳаёт бирмунча яхшиланди. Руҳонийларнинг маъқеи ошиб борди. Бу даврда Бухоро амирлари марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга қанчалик уринмасинлар, вилоят ҳокимларининг мустақилликка интилишлари тўхтамади.
- ▶ Амир Ҳайдар даврида (1800-1826) ҳам ички ва ташқи урушлар давом этиб турди.
- ▶ Шафқатсизлиги туфайли "қассоб амир" лақабини олган Насруллахон Шаҳрисабз беклигига 20 йил давомида 32 бор юриш қилди. Жанубда Марв учун Хива хонлари билан узоқ урушлар олиб борди. Амир Насрулло 1839, 1841 ва 1858 йилларда Қўқон хонлигига уч марта юриш қилади. Аҳоли қирғин қилиниб, бойликлар таланди. Ҳатто машҳур ўзбек шоираси Нодирабегим (Моҳларойим) ҳам амир буйруғи билан ўлдирилди;
- ▶ Амир Насрулло даврида Бухоро Россия билан Англия ўртасида Урта Осиёда бошланган рақобатчилик кураши майдонига айланиб қолди.

19-АСР ЎРТАЛАРИДА БУХОРО ХОНЛИГИ



- Хива хонлигига қарам бўлган қозоқ ерлари
- Туркман қабилаларининг Хива хонлигига вақтинча қарам бўлиб қолган ерлари
- Бухоро хонлиги билан Қўқон хонлиги ўртасидаги жанжалли ерлар
- Бухоро хонлиги билан Хива хонлиги ўртасидаги жанжалли ерлар

- Қўқон хонлигига вақтинча қарамли территория
- Хонликларнинг тахминий chegaralari

Минораи калон XVI аср



Чор минор XIX аср



Бухоро амири Амир Олимхон

**Манғитлар сулоласи
(1753-1920)**

➡ **Муҳаммад Раҳим (1756-1758)**

➡ **Дониёлбий (оталиқ) (1758-1785)**

➡ **Шохмурод (1785-1800)**

➡ **Ҳайдар (1800-1825)**

➡ **Насрулло (1826-1860)**

➡ **Музаффар (1860-1885)**

➡ **Абдулаҳад (1885-1910)**

➡ **Олимхон (1910-1920)**

ХИВА ХОНЛИГИ

- ▶ 1511 йилда Хива хонлиги ташкил топган. Асосчиси Элбарсхон;
- ▶ Элбарсхон XVI асрнинг 20-30 йилларида Хоразм ерларини Туркманистоннинг жануби, Эроннинг шимолий Сарахс тумани, Орол бўйлари ва Манғишлоққача кенгайтди;
- ▶ Бухоро ҳукмдорларидан Хивани бўйсундириш учун 1536 йилда Убайдуллахон, 1575 йилда Абдуллахон ҳаракат қилди, лекин бўйсундира олмадилар. Абдуллахон вафотидан (1598) сўнг, Хива хонлиги узил-кесил мустақил бўлди;
- ▶ XVII-XVIII асрларда Хива хонлигида тарқоқлик ҳукм сурди;
- ▶ 1763 йилга келиб Хива хонлигида янги сулола - қўнғирот қабиласи вакилларининг ҳукмронлиги бошланди;

- ▶ 1804 йилда Хивада кўнғиротлар сулоласи амалда эмас, расмий равишда ҳукмрон бўлиб олди. Элтузархон (1804—1806) ва унинг укаси Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) ҳукмронлиги даврида Хива хонлигининг нуфузи ошди, унинг бирлашиш жараёни тугалланди. 1811 йилда Орол бўйлари, кўп ўтмай қорақалпоқлар, 1822 йилда Марв ва унинг атрофидаги туркманлар бўйсундирилди;
- ▶ Муҳаммад Раҳимхон I давлатни бошқариш учун девон (вазирлик) ташкил қилди, солиқ тизимини ислоҳ қилиб, божхона ва зарбхона ташкил этди, олтин ва кумуш тангалар чиқарди;
- ▶ Хива тахтида энг кўп ўтирган ҳукмдорлардан бири Муҳаммад Раҳимхон II (1864—1910) бўлиб, унинг даврида Хива хонлиги Россия империясига қарам бўлиб қолди;

Паҳлавон Маҳмуд мақбараси



Қўнғиротлар сулоласи
(1770-1920)

➤ Муҳаммад Амин Иноқ (1770-1790)

➤ Авазхон (1790-1804)

➤ Элтузархон (1804-1806)

➤ Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825)

➤ Оллоқулихон (1825-1842)

➤ Раҳимқулихон (1842-1845)

➤ Муҳаммад Аминхон (1846-1855)

➤ Абдуллахон (1855-1856)


➤ Сайид Муҳаммадхон (1856-1864)

➤ Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1910)

➤ Асфандиёрхон (1910-1918)

➤ Сайид Абдуллахон (1918-1920)

Хива хонлигининг идора қилиш тизими



ҚЎҚОН ХОНЛИГИ

- ▶ 1710 йилда минглар уруғидан бўлган Шохрухбий Қўқон хонлигига асос солди. Хонлик ҳудудига Сирдарё ҳавзаси, Еттисувнинг бир қисми қўшиб олинди;
- ▶ Абдураҳимбий (1721-1733) 1732 йилда давлат пойтахтини Тепакўрғон қалъасидан ҳозирги Қўқон шаҳри ўрнига кўчирди. Абдураҳимбий даврида хонлик ерлари кенгайиб, Фарғонада кучли давлат вужудга келди;
- ▶ XVIII асрнинг иккинчи ярмида Эрдонабий (1751-1762) ва Норбўтабий (1763-1798) ҳукмронлиги даврида Фарғонани бирлаштириш яқунланди;
- ▶ Олимхон (1798—1809) даврида хонлик ерлари кенгайиб, унинг сиёсий ва иқтисодий мавқеи ўсди. Хонликда ҳарбий ислоҳот ўтказилди. Оҳангарон, Тошкент, Чимкент ва Туркистон вилоятлари хонликка қўшиб олинди;
- ▶ 1805 йилдан Фарғона давлати расман Қўқон хонлиги деб эълон қилинди ва Олимбек ўзига хон унвонини олди;

- ▶ Умархон ҳукмронлиги даврида бўйсунмай қўйган Туркистон, Чимкент, Сайрам ва Авлиёота эгалланди;
- ▶ Жиззах, Ўратепа ва бошқа жойлар учун Қўқон хонлари Бухоро амирлиги билан бетўхтов урушлар олиб борди;
- ▶ Муҳаммад Алихон (1822-1842) Шарқий Туркистон билан иқтисодий ва сиёсий алоқаларни кучайтиришга ҳаракат қилди. Хонлик чегараларини кенгайтириб, Қоратегин, Кўлоб, Ҳисор, Бадахшон, Дарвоз ва Матчо вилоятларини босиб олди. Чегараларни мустаҳкамлаш мақсадида Пишпак, Тўқмоқ, Кушка, Авлиёота ва бошқа ҳарбий истехкомлар қурилди;
- ▶ Муҳаммад Алихон бошқарувининг сўнгги йилларида Қўқонда хон ҳокимиятига қарши Насруллохон 1839 ва 1841-1842 йилларда Қўқон хонлигига бостириб кириб, Тошкент, Хўжанд, Ўратепа ва бошқа жойларни эгаллаб олди;
- ▶ Худоёрхон ҳукмронлиги даврида тинимсиз ички низолар, Бухоро амирлиги билан олиб борилган урушлар, халқ ғалаёнлари Қўқон хонлигини инқирозга олиб келди;
- ▶ 1876 йилда Қўқон хонлиги тугатилди ва у Туркистон генерал губернаторлигига қўшиб олинди.

Кўконда минглар сулоласи (1710-1875)

- Шохрухбий (1710-1721)
- Абдурахимбий (1721-1733)
- Абдулкаримбий (1733-1750)
- Абдурахмон (1750- 9 ой)
 - Ердона (1751-1752)
 - Бобобек (1752-1753)
- Ердона (иккинчи марта 1753-1762)
 - Сулаймон (1762-1763)
 - Норбўтабий (1763-1798)
 - Олимхон (1798-1810)
 - Умархон (1810-1822)
- Мухаммад Алихон (1822-1841)
 - Шералихон (1842-1844)
 - Мурадхон (1844)
- Худёёрхон (1845-1858)
 - Маллахон (1858-1862)
- Худёёрхон (икки марта) (1862-1863)
 - Султон Сайидхон (1863-1865)
 - Худёёрхон (уч марта) (1865-1875)

Солиқ турлари

Хирож (ердан олинган ҳосилнинг бешдан бир қисми)

Закоат (чорвадор ва савдогарлар учун молнинг қирқдан бир миқдорида)

Тамға (ҳунармандлар ва дўконлар махсус солиқ тўлаган)

Тахти жой – тагжой (ёз маҳсулотларини ижарага олинган дўконда сотувчилар учун)

Жизья (бошқа динга мансуб савдогарлар ўз маҳсулотининг бешдан бир қисмини тўлаган)

Ихрожат (Сарой ҳаражатларини таъминлаш учун йиғиладиган солиқ)

Қўналға (элчилар, амалдорлар, чопарларни текинга меҳмон қилиш)

Тарихий манбаларда қайд этилишича, хонликларда 60 дан 90 гача турдаги солиқлар ундирилган

Ўрта Осиё XVI—XIX асрларда

- ▶ XVI—XVIII асрларда жамият ҳаётининг барча соҳалари - иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва қолаверса, маданий ҳаётда ҳам умумий танглик юз берди;
- ▶ XVI-XIX асрларда ўзбек хонликлари илғор Европа мамлакатларидан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маданий соҳаларда анча орқада қолиб кетдилар;
- ▶ XV асрнинг охири XVI асрлардаги буюк географик кашфиётлар натижасида XVI-XVII асрларга келиб дунё савдо йўллари йўналишининг ўзгариши Ўрта Осиёда халқаро савдо алоқаларининг аста-секин сўнишига сабаб бўлди;
- ▶ XVI-XVII асрларга келиб, Ғарбий Европа мамлакатларида буржуа инқилоблари бўлиб ўтди, янги буржуазия синфи ва янги капиталистик иқтисодий муносабатлар шакллана бошлади;

- ▶ Ғарбий Европанинг бир қатор давлатлари (Англия, Голландия, Франция ва бошқалар) мустамлакаларни шафқатсиз талаш ва бойликларни ташиб кетиш ҳисобига дастлабки капитал жамғаришга муваффақ бўлдилар;
- ▶ Бу эса биринчи жамғарма ҳисобига иқтисодни ривожлантириш учун пойдевор яратди. Илм-фан ва техника тараққиёти бошланди. Нафақат Ўрта Осиё давлатлари, балки Осиёнинг бошқа давлатлари ҳам бу жараёнлардан ортда қолди;
- ▶ Асрлар давомида сақланиб келган ишлаб чиқариш усули XVI-XVIII асрларга келиб сифат жиҳатидан ўзгармади. Бу эса иқтисодий ҳаётга, у орқали эса бутун ижтимоий муносабатларга салбий таъсир кўрсатиб, Туркистонни турғун муносабатлар ҳукмрон бўлган жамиятга айлантирди;
- ▶ Ўзаро урушлар, талон-тарожлар, ижтимоий-иқтисодий инқироз, бунинг натижасида халқнинг қашшоқ, ночор ҳолга келиб қолиши ҳурфикрлиликка путур етказиб, хурофот ва диний мутаасиблик учун қулай шароит яратди;

- ▶ XVI—XVIII асрлардаги маънавий ҳаётга диний мутаассиблик зарарли таъсир кўрсатди, ижтимоий-маданий тафаккурдаги туб янгиликларни, ижтимоий ривожланишга қаратилган ғояларни қабул қилмай қўйди;
- ▶ Ўзбек хонликларида XVII-XVIII асрларда муттасил давом этиб келган ўзаро урушлар, Бухоро - Хива, Бухоро - Қўқон можаролари, мустақилликка интилган вилоят ҳокимлари ва қабила зодагонларга қарши олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар, чет эл босқинчиларининг ўзбек хонликлари ҳудудларига тажовузлари ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётни бутунлай издан чиқарди;
- ▶ Ягона марказлашган давлат, кучли ҳокимият, сиёсий барқарорлик, миллий бирлик ва аҳилликнинг йўқлиги ташқи душманларга ҳам қўл келди. Россия империяси Туркистон ерларига бостириб киришга тайёрлана бошлади;

- ▶ Мамлакат катта иқтисодий, маданий, маънавий имкониятларга қанчалик эга бўлмасин, сиёсий тарқоқлик, маҳаллийчилик, бошбошдоқлик, диний мутаассиблик, этник гуруҳбозлик, ўзаро урушлар мамлакат ва давлатнинг куч-қудратини парчалаб, заифлаштириб юборди. Оқибатда Туркистон тараққиётнинг янги босқичига ўтиш учун мустамлакачилик азоби ва хўрлигини бошдан кечиришга мажбур бўлди.


ХІХ АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ



Чор Россиясининг Туркистонни босиб олиши

- ▶ 1717 йилда Пётр I нинг топшириғига биноан Бекович-Черкасский бошчилигида Ўрта Осиёга ҳарбий экспедиция уюштирилди.
- ▶ Генерал Перовский 1853 йил июл ойида Оқмачит қалъасига ҳужум қилди ва уни эгаллади;
- ▶ рус қўшинлари 1860-1864 йилларда Пишпак, Тўқмоқ, Авлиё ота, Туркистон, Чимкент шаҳарлари ва улар атрофидаги қишлоқларни босиб олди;
- ▶ 1865 йил Тошкент босиб олинди;
- ▶ 1865-1866 йилларда рус қўшинлари Қўқон хони ва Бухоро амири ўртасида ҳамиша қўлдан-қўлга ўтиб турган Хўжанд, Ўратепа, Жиззах шаҳарларини қаттиқ жанглардан кейин эгаллади;

- ▶ 1868 йили Чўпонота ва Зирабулоқ эгалланди;
- ▶ 1868 йилда Бухоро амирлиги, 1875 йилда Қўқон хонлиги чор ҳукуматига қарам давлатга айланиб қолди;
- ▶ Қўқон хонлигига ва Бухоро амирлигига тегишли бўлган ерларнинг катта қисми Россия тасарруфига ўтказилди;
- ▶ Хива хонлигига руслар қаттиқ тайёргарликлардан кейин 1873 йилда ҳужум қилдилар ва голиб келдилар;
- ▶ Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1864-1910) Гандимиён шартномасига асосан 2.000.000 сўмлик товон тўлаш мажбуриятини олди ҳамда Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерлар Россия ихтиёрига ўтди;
- ▶ 1867 йилда Туркистон генерал – губернаторлиги ташкил этилиб, ўлка тўла равишда ҳарбийлар қўлига ўтди ва ўлкани бошқариш катта ваколатларга эга бўлган Туркистон генерал – губернаторлигига топширилди. Туркистон генерал-губернатори лавозимида генерал фон Кауфман тайинланди.





Туркистон генерал – губернаторлиги вилоятлари ва уездлари

Сирдарё вилояти:

Тошкент, Авлиёота, Казалинск, Перовск, Чимкент, Амударё бўлими

Фарғона вилояти:

Марғилон, Андижон, Кўқон, Наманган, Ўш уездлари

Самарқанд вилояти:

Жиззах, Хўжанд, Самарқанд уездлари

Еттисув вилояти:

Верний, Жаркент, Копал, Лепсин, Пишпак, Пржевальск уездлари

Каспийорти вилояти:

Ашхобод, Красноводск, Мангишлоқ, Марв ва Тажсан уездлари

Туркистон генерал – губернаторлигининг бошқарув тизими

Генерал-губернатор



Вилоятларни ҳарбий губернаторлар бошқарган, улар подшо
тарафидан тайинланган



Уезд бошқаруви



Волост (бўлис)



Участка

Ўрта Осиёнинг Россия подшолиги томонидан хом ашё

базасига айлантирилиши

- ▶ Россия губернияларидаги саноат корхоналарини мунтазам равишда хом-ашё билан таъминлаб турувчи темир йўллари қурилди;
- ▶ Шу мақсадда 1881-1886 йилларда Михайловский кўрфазидан Чоржўйгача Каспийорти темир йўли қурилди;
- ▶ 1888 йилда бу йўл узайтирилиб, Самарқандга етказилди. 1906 йилда Тошкент – Оренбург темир йўли ишга туширилди. 1912 йилда Фарғона водийси ҳам Россия билан темир йўл орқали боғланди;
- ▶ Россиядан Туркистонга турли фирма ва биржалар кириб кела бошлади ва улар Туркистоннинг иқтисодий ҳаётида жадаллик билан ўз таъсирини кучайтириб борди. Улар ўлкадан хом-ашё олиб кетиш, Россиядан саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиб келиб сотиш билан чекланмай, суғориладиган ерларни сотиб олиб пахта экишни кенгайтirdилар;



- ▶ Россия саноатида пахта толасига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши ва ерларда етиштириладиган пахтанинг сифатига эътиборни кучайтирди. Шу мақсадда ўлка ерларида пахтанинг Америка навларини етиштиришни йўлга қўйиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борувчи станциялар ташкил этилди;
- ▶ Россия учун Туркистондан кўпроқ фойда кўриш мақсадида ўлканинг ўзида хом-ашёга дастлабки ишлов берувчи корхоналар ташкил этишга киришилди;
- ▶ Рақобат натижасида хунармандчиликнинг кўплаб соҳалари инқирозга юз тутди, хонавайрон бўлган хунармандлар ҳам ерсиз деҳқонлар сингари ишсизлар сафини тўлдириб борди;
- ▶ Мустамлакачилик сиёсатининг асосий йўналишларидан бири Туркистон ўлкасини руслаштиришдан иборат бўлди. Подшо ҳукумати кўп минглаб ерсиз деҳқонларни, ишсизларни мустамлака Туркистонга кўчириб келтириши бу мақсадга эришишда катта ўрин тутди.


Туркистон генерал-губернаторининг ваколатлари

- ▶ Туркистон генерал-губернатори ўз қўлида ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятини бирлаштирган;
- ▶ Бир вақтнинг ўзида у *Подшо ноиб*, *ҳарбий округ қўшинлари қўмондони*, *Еттисув казак қўшинлари қўмондони*, *бош мишаб*, *бош прокурор* вазифаларини ҳам ўтаган;
- ▶ Унга Бухоро амири ва Хива хони ҳам бўйсунган;
- ▶ Генерал-губернатор амир фаолиятини *Россия император сиёсий агентлиги орқали* (1885-1917), Хива хонини эса *Амударё бўлими* (1873—1918) бошлиғи орқали назорат қилган;




- ▶ 1882—1884 йилларда Туркистон ўлкасидаги бошқарувни атрофлича тафтиш қилган *Марказ вакили* — императорнинг махфий маслаҳатчиси генерал-губернатор Ф.Гирс Россиядаги губернаторлардан фарқли ўлароқ, *Туркистонда мустабид ҳоким* — ярим подшо бўлгани, империя қонунчилигига мутлақ риоя қилмай, ўзича қонунлар чиқаргани ва ўзбошимча ҳукмдор бўлганини эътироф қилган эди;
- ▶ Кауфманнинг ташаббуси билан тузилган *генерал-губернаторлик Кенгаши* ҳам бутун империяда ўхшаши йўқ ташкилот эди;
- ▶ 1886 йилда император Александр III (1881—1894) тасдиқлаган "*Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом*" бўйича Кенгаш Россиядаги губернатор муассасаси сифатида белгиланган бўлса ҳам, аслида у катта ваколатга, ҳал қилувчи кучга эга ташкилот эди;
- ▶ *Ҳарбий губернатор, суд палатаси раиси, прокурор, округ штаби бошлиғи, генерал-губернатор ёрдамчиси* аъзоларидан иборат бўлган генерал-губернаторлик Кенгаши ўлка бошқарувининг энг долзарб масалаларини ҳал қилган.

Генерал-губернаторлик Кенгаши



Чоризм истибдодига қарши Туркистон халқларининг миллий-озодлик кураши

- ▶ 1878 йили *Мингтепада* чоризмнинг сиёсий ва иқтисодий зулмига қарши Етимхон бошчилигида ғалаён кўтарилди;
- ▶ 1882 йилнинг бошларида Наманган аҳолиси маъмурларга қарши бош кўтарди. 1882 йил Ўшда 200 нафар камбағаллар маъмурлар ўэбошимчалигига қарши чикдилар. Ҳаракат ҳарбий куч билан бостирилди;
- ▶ 1883 йили кўзғолончилар кураш усуллариини ўзгартириб, бойлар ва волость ҳокимларининг кўрғонларига ўт кўйдилар. Шу йилларда кўзғолон бирин-кетин вилоятнинг барча уездларига ёйилди;
- ▶ 1892 йилда Тошкентда вабо исёни номи билан халқ озодлик ҳаракатлари бўлиб ўтди;
- ▶ 1892 йилда Тошкентда вабо исёни номи билан халқ озодлик ҳаракатлари бўлиб ўтди;
- ▶ 1898 йилда Андижонда Дукчи Эшон кўзғолони бўлиб ўтди;
- ▶ Умуман аҳолининг қашшоқлашуви, ишсизликнинг ўсиши, миллий ва маънавий зулм Туркистоннинг барча ҳудудларида халқ озодлик курашларини келтириб чиқарди.



Жадидлар ҳаракати

- ▶ Иймон-эътиқоди бут, халқнинг эмин-эркин, дастурхони тўкин, жаҳондаги тараққий топган халқлар каби маърифатли бўлишини астойдил истовчи илғор гуруҳи жадидлар бўлиб, улар жоҳил руҳонийларга, хонликлардаги бош бошдоқликларга ва чоризмга қарши эдилар;
- ▶ Улар халқнинг миллий онгини ошириш ва ўзлигини англатишни энг аввало маърифат, илму урфондан қидирдилар;
- ▶ Миллат, халқ қайғуси билан яшовчи зиёлилар халқни уйғотишни маърифатдан бошлашга қарор қилдилар;
- ▶ Миллати қрим-татар бўлган Исмоил Ғаспирали (1851—1914) жадидчилик ҳаракатининг асосчисидир;
- ▶ 1904 йилда Бухорода яна келиб амир билан музокаралар олиб борди. Натижада амир унинг отаси номи билан аталувчи Музаффария жадид мактабига асос солинди;
- ▶ 1898 йилда Қўқонда Салоҳиддин домла 2-жадид мактабига асос солди;
- ▶ 1899 йили Андижонда Шамсиддин домла ва Тошкентда Маннон қори жадид мактабига асос солдилар. 1903 йилда Туркистон ўлкасида 102 та бошланғич ва 2 та ўрта жадид мактаблари бор эди;
- ▶ Аср бошида жадидлар зиёлиларининг бутун бир ватанпарвар авлодини тарбиялаб беришдек оғир ишга фидойилик билан киришдилар. Уларнинг бошида М.Бехбудий, С.Айний, А.Авлоний, А.Фитрат, Мунаввар қори, Бобоохун Салимов ва бошқа кўплаб тараққийпарвар инсонлар турар эдилар.

Жадидлар ҳаракати



I- даври:

XIX асрнинг 90 йилларидан 1917 йилгача бўлган давр

- 1) жадидчиликнинг шаклланиши ва мунтазам уюшган ҳаракат шаклига эга бўлиши (XIX асрнинг 90-йиллари – 1905 йил);
- 2) Жадидчилик ҳаракатининг нисбатан тез ва қаршиликсиз ривожланиши (1905-1909 йиллар);
- 3) жадидчиликни чоризм томонидан озодлик, демократик ва инқилобий ҳаракатларга қарши курашни кучайтирган давридаги ривожлантириш (1909-1916 йиллар)

II- даври:

1917 йил февралдан 1929 йилгача бўлган давр

- 1) 1917 йил феврал-октябрь;
- 2) 1917 йил ноябрь – 1924 йил;
- 3) 1925-1929 йиллар

Жадидларнинг маориф соҳасидаги фаолияти

«Жадид» арабча сўз бўлиб, «янги» деган маънони билдиради

Жадидлар аввало мактабларга асос солганлар. Бу мактабларда болалар бир-икки йилда тўла савод чиқариб, мукаммал ўқиш ва ёзишни ўзлаштирган

Тезкор ўқитиш «савтия» (товуш) усули жорий қилинган


Жадид мактаблари қатъий низом, тартиб ва интизом, дастур ва дарсликларга асосланди

Жадидлар томонидан биринчи марта парталарда ўтириш, дарсларда харита ва расмлардан фойдаланиш жорий қилинган. У кейинчалик ҳозирги замонавий мактаб учун асос бўлган





Улар тарихда биринчи бўлиб, ўқувчиларга кундалик, чорак ва йиллик баҳолар қўйишни жорий этган



Улар томонидан яратилган қўлланма ва дарсликлар:
Саидрасул Саидазизовнинг «Устоди аввал», Мунавварқори Абдурашидхоновнинг «Адиби аввал», «Адиби Соний», «Тажвид» (Қуръонни қироат билан ўқиш усулига оид қўлланма), «Ҳавойижи диния» («Шариат қонунлари тўплами»), «Ёр юзи», «Усули ҳисоб», «Тарихи анбиё», «Тарихи ислом», Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим» ва Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Қисқа умумий география», «Болалар мактуби», «Исломнинг қисқача тарихи», «Амалиёти ислом», «Аҳоли географисига кириш», «Россиянинг қисқача географияси» ва бошқалар

Матбуот ва журналистика соҳаси:

XX аср бошларида жадидларнинг куйидаги матбуотлари мавжуд бўлган:

Тошкентда Исмоил Обидий «Тараққий» (1906), Мунавварқори Абдурашидхонов «Хуршид» (1906), Абдулла Авлоний «Шухрат» (1907), Саидкарим Саидазимбоев «Тужжор» (1907), Аҳмаджон Бектемиров «Осиё» (1908), Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев «Садои Туркистон» (1914-1915) газеталари, шунингдек, Абдурахмон Содик ўғли (Сайёх) «Ал-Ислоҳ» (1915) журналинини нашр этишга муваффақ бўлдилар. Самарқандда эса Маҳмудхўжа Бехбудий «Самарқанд» (1913) газетаси ва «Ойна» (1913-1915) журналинини, Қўқонда Обиджон Маҳмудов «Садои Фарғона» (1914) газеталарини чиқарди.

1917-йил февралдан октябргача жадидлар томонидан чоп этилган газеталар:

Тошкентда Мунавварқори Абдурашидхонов «Нажот» (1917 й. март), А.Баттол «Шўрои ислом» (1917 й. май), Абдулла Авлоний «Турон» (1917 й.), Аҳмад Заки Валидий ва Мунавварқори Абдурашидхонов «Кенгаш» (1917 й. июн), «Улуғ Туркистон» (1917 й.) Қўқонда Бўлат Солиев «Эл байроғи» (1917 й. сентябрь) газеталарини, Ҳ.Ҳ.Ниёзий «Кенгаш», Ашурали Зоҳирий «Юрт» (1917 й. июн) журналларини, Самарқандда эса Шохмуҳаммадзода «Хуррият» (1917 й. апрел) газеталарини чоп этдилар.

Жадид адабиёти ва санъатининг ўзига хос хусусиятлари

Агар мумтоз адабиётда дунёвийликка нисбатан диний жиҳат устунроқ бўлган бўлса, жадид адабиётида буларнинг ўртасида ўзаро тенглик, яъни диний-дунёвийлик қарор топди

Жадид адабиёти мумтоз адабиётдан фарқли равишда Ғарб адабиётидаги роман, эссе, ҳикоя ва бармоқ вазиғига асосланган шеърият (поэтика) каби бадий жанрлар кўринишига эга бўлди. Проза ва публицистика пайдо бўлади

Жадид адабиёти бевосита ижтимоий-сиёсий ва маърифатчилик мафкураси, миллий-озодлик хусусиятига эга бўлди. Бунда мазмун халқ ҳаёти ва бевосита ўзифодасини топди. Бадий асарлар жонли халқ тилида ёзилди. Ижтимоий фаоллик ва миллий руҳ бу янги адабиётнинг энг муҳим хусусиятига айланди

Жадид адабиётидаги бадий-лирик қаҳрамон қиёфаси мумтоз адабиётдаги қаҳрамон қиёфасидан тубдан ўзгарди. У энди анъанавий ошиқ ёхуд маърифатпарваргина эмас, балки мавжуд мустамлака жамияти тартиб-қоидалари ҳамда миллий тенгсизлик билан келиша олмайдиган, шу билан бирга янгича, ўз ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашига эга бўлган шахсдир


Маориф
соҳаси

Матбуот ва
журналистика

Жадидлар ҳаракати
йўналишлари

Адабиёт ва
санъат

Ҳайрия
ишлари





Бехбудий



Чўлпон



Фитрат



Абдулла Авлоний



Абдулла Қодирий

Жадидлар ҳаракатининг асосчилари ва намоёндалари

Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919), Саидахмад Сиддиқий Ажзий (1864-1927), Васлий Самарқандий (1869-1925), Мунавварқори Абдурашидхонов (1878-1931), Абдулла Авлоний (1878-1934), Тўлаган Хўжамёров – Тавалло (1882-1939), Сидқий Хондайлиқий (1884-1934), Аваз Ўтар ўғли (1884-1919), Муҳаммадшариф Сўфизода (1869-1937), Абдурауф Фитрат (1886-1938), Садриддин Айний (1878-1954), Абдулвоҳид Бурхонов (1875-1934), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889-1929), Абдулла Қодирий (1894-1938), Абдулҳамид Чўлпон (1897-1938) ва бошқалар

Ф

Фикрингизни баён этинг

С

Фикрингиз баёнига бирор сабаб кўрсатинг

М

Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг

У

Фикрингизни умумлаштиринг

Нима учун Россия подшолиги осонлик билан хонликларни босиб олди?

Туркистон генерал-губернаторлиги Туркистонда қандай сиёсат олиб борди?

Сиёсий, иқтисодий ва маънавий зулмларни тавсифлаб беринг?

Нима учун XIX асрнинг охирида Туркистонда миллий озодлик курашлари кучайган?
